# E-XAT 4.0 ҳимояланган электрон почта тизими фойдаланувчиси қўлланмаси

## Мундарижа

E-XAT 4.0 тизимини ўрнатиш ........................................................ 2

E-XAT 4.0 тизимини созлаш ........................................................ 5

E-XAT 4.0 тизимида рўйхатдан ўтиш ........................................................ 8

E-XAT 4.0 тизимида контактлар импорти ........................................................ 12

## E-XAT 4.0 тизимини ўрнатиш

1. E-XAT ҳимояланган почта тизимини компьютерга ўрнатиш учун http://exat.uz/ манзилига кириб, E-XAT клиентини юклаб олинг ва ишга туширинг.

2.




"Далее" тугмасини босинг.

3.




Дастур ўрнатилиши лозим бўлган директорияни танланг. Администратор ҳуқуқисиз ишловчи фойдаланувчилар учун улар тўла ҳуқуққа эга бўлган директорияга ўрнатинг.

4.




“Пуск” менюсида жойлашган “Все программы” менюсига киритиш номини танланг.

5.




Қўшимча сифатида ушбу ойнада иш столига ёрлиқ қўйишни кўрсатишингиз мумкин.

6.




Ўрнатишни бошлаш учун “Установить” тугмасини босинг.

7.




“Завершить” тугмасини босганингиздан сўнг ўрнатиш якунланади ва E-XAT ҳимояланган почта тизими ишга тушади. Кейинги қадамда дастурни созлаш лозим бўлади.

## E-XAT 4.0 тизимини созлаш

Ушбу дастур интернет тармоғи ёрдамида ишлаши сабабли унга интернетга чиқиш созламаларини киритиш лозим. Шунингдек, фойдаланувчи **ЭРИ (Электрон рақамли имзо)**сини кўрсатиш керак. Агарда ушбу амалларни бажариш сизда қийинчилик туғдирса, тармоқ администраторингизга мурожаат қилинг.

1. Дастлабки ўрнатилган ҳолатда дастур мана шундай кўринишда ишга тушади. “Параметры” тугмасини босиб, созлашни бошлаймиз.




2. Тўлдирилиши лозим бўлган дастлабки катак “Адрес сервера” катагидир. Унга “exat.uz” (қўштирноқсиз) деб ёзасиз. Шундан сўнг пастдаги “Определение прокси-сервера” тугмасини босинг. Сизнинг тармоғингизда интернетга уланиш учун прокси сервердан фойдаланиладиган бўлса, “Прокси-сервер” катаги фаоллашади ва керакли маълумот билан автоматик тўлдирилади.



3. Юқоридаги амал бажарилганидан сўнг ойна мана бундай кўринишда бўлади(“Прокси-сервер” ва “Порт” катаклари маълумотлари фарқ қилиши мумкин). Тизимингиз да интернетга чиқиш учун логин/парол киритилиши лозим бўлса, “Аутентификация на прокси-сервере” га белги қўйиб, логин/паролни киритинг.




4. Тармоқ маълумотлари киритилганидан сўнг чап тарафдаги тугмалардан “Ключи” ни танланг




“Загрузить ключ из файла” ни танланг. “Путь к сертификату открытого ключа” остидаги катак сўнггида жойлашган (...) тугмасини босиб, *.cer кенгайтмали очиқ калитингизни кўрсатинг. (ЭРИ одатда D:\keys, D:\Ehujjat keys, D:\exat keys ёки флеш хотирали ускунада сақланади)




5. Агарда дастур тилини ўзгартирмоқчи бўлсангиз, чап тарафдаги “Интерфейс” тугмасини танлаб, керакли тилга ўтказинг.

**Созламаларни ўзгартирганингиздан сўнг “ОК” тугмасини босиб созлашни якунланг.**

## E-XAT 4.0 тизимида рўйхатдан ўтиш

Рўйхатдан ўтишда **хатоларга йўл қўйманг, бу амални орқага қайтариб бўлмайди.** Бирон хатолик юз берган тақдирда, ДУК “UNICON.UZ” Инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш бўлимига мурожаат қилинг.

1. Дастурнинг дастлабки ойнасидан “Зарегистрироваться” тугмасини танланг.




2. Ушбу ойнада рўйхатдан ўтишни бошлаймиз.




3. “Получить данные из сертификата” ни босинг. Шунда бир неча катаклар автоматик тарзда ЭРИ дан ўқиб олинади.




4. Парол ва автоном режим паролларини тўлдиринг. (Автоном режим интернет боғланиши бўлмаган ҳолатларда сақлаб олинган хатларни кўриш учун ишлатилади.)



5. “Котрольный вопрос” дан ўзингизга маъкул бўлган саволни танланг ва саволга жавобни киритинг. Бу жавоб ёрдамида кейинчалик унутилган паролни тиклаш мумкин.




6. Катаклар тўлдирилганидан сўнг “ОК” ни босинг. Мана бу кўринишда жавоб чиқиши лозим:



**Агар шундай жавоб олган бўлсангиз, сиз рўйхатдан ўтишни ижобий якунлаган бўласиз. "ОК" ни босиб, асосий ойнага чиқасиз.**

# E-XAT 4.0 тизимида контактлар импорти

1. Дастлаб тизимга киришни амалга оширинг:




2. Дастурга кирганингиздан сўнг “Адресная книга” тугмасини босинг.



3. Бу ердан меню орқали Файл -> Импортировать с сервера… ни танланг.



4. Бунда сервердаги контактлар адреслари юкланиб олинади.




Шундан сўнг контактлар қуйидаги кўринишга келади.

